САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ 2-бет
ТВ «ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЕЛГУСИ ҲАФТАДА 3-4-5-бетлар
КИТОБ — ЕТТИ МЎЪЖИЗАНИНГ БИРИ 6-бет
ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 190 (9.993) / 2003 ЙИЛ 26 СЕНТЯБРЬ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 сентябрь куни Оқсаройда НАТО Бош котиби Жорж Робертсонни қабул қилди.**

— Сизни нафақат НАТО Бош котиби, балки кўплаб халқаро муаммолар ечимига улкан ҳисса қўшган йирик сиёсатчи сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, — деди Ислом Каримов учрашувда. — Хусусан, НАТОнинг шаклан ўзгаришига кўп меҳнатингиз сингган.

Ўзбекистон Евро-Атлантика ҳамкорлик кенгаши доирасида ушбу ташкилот билан самарали ҳамкорлик қилиб келяпти. Мамлакатимиз 1994 йили НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига қўшилганидан буён доим унинг ташқи ишлар ва мудофаа вазирлари даражасидаги учрашувларида ҳамда ташкилотдаги етакчи қўмиталар мажлисларида иштирок этиб келади.

Икки томонлама ҳамкорлик бир неча вазифаларни қамраб олган. Ўзбекистон ҳукумати «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида Тайёрлаш маркази тузишга қарор қилган. Унинг дастури НАТО андозалари ва талабларига асосланади.

Шунингдек, Ўзбекистон НАТО билан Ҳамкорликнинг индивидуал дастурини қабул қилган. У 20 йўналиш бўйича, жумладан, тинчликни сақлаш борасида қўмондонлик-штаб ва ҳарбий дала машқлари ҳамда қидирув-қутқарув ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш операциялари каби жами 143 тадбирни қўзда тутади. Ўзбекистон ва НАТО фуқаролик фавқулодда режалаштириш соҳасидаги ҳамкорлик доирасида шу йилнинг 28-30 апрель кунлари Фарғона вилоятида қўшма машғулот ўтказди. Марказий Осиёда НАТО томонидан ташкил этилган бундай турдаги ана шу илк машғулотда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан 227 вакил қатнашди.

Мамлакатимиз илм-фан, экология каби соҳаларда ҳам мазкур ташкилот билан самарали алоқа ўрнатган. НАТОнинг Илмий қўмитаси билан ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан НАТО ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, ташкилот доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**



**СУРАТДА: қабул пайти. Дилшод Юсупов олган сурат.**

## Ўзбекистон НАТО раҳбари нигоҳида

**Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида Республика Ташқи ишлар вазирлиги, Тошкент Фото уйи билан ҳамкорликда «Ўзбекистон-Шотландия: NATO раҳбари нигоҳида» деб номланган фотокўргазма очилди. Ундан шу кунларда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган НАТО Бош котиби Жорж Робертсон ижодига мансуб элликка яқин фотоасарлар ўрин олган.**

Кўргазманинг тантанали очилиши маросимида сўзга чиққанлар бугунги кунда Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасида иқтисодий, маърифий, илмий, маданий алоқалар тобора мустаҳкамланаётгани баробарида халқаро терроризмга қарши курашишда ҳам ҳамжиҳатликда иш олиб борилаётганини таъкидлади.

— Бундан уч йил аввал Ўзбекистонга келганимда қадимий Шарқнинг Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларида ҳам бўлган эдим, — деди Жорж Робертсон. — Ўшанда нафақат азим меъморий обидалар, балки юртингизнинг буюк тарихи, кўҳна ва бой маданияти, маънавияти ва умуман самимий, бағрикенг, чеҳраси ёруғ оддий ҳамюртларингиз мени ҳайратга солганди. Булар ҳақидаги ҳис-ҳаяжонимни сўз билан ифодалаш мен учун мушкул. Шу боис бу туйғу ва таассуротларимни фототасвирга туширишга ҳаракат қилдим.

Бу ерга тўпланганлар кўргазмада намойиш этилаётган фотосуратларда фаровон юртимиз, бетакрор она табиатимиз, неча асрларга тенгдош қадимий ёдгорликлар, меҳнатсевар ҳамюртларимиз қиёфаси фотоустанинг зеҳнли нигоҳи орқали маҳорат билан тасвирга олинганининг гувоҳи бўлдилар.

• ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ — 2003

## ТУРНИРНИНГ СИРЛИ МЕҲМОНИ КИМ?

**Осиё чемпионатида қатнашаётган 50 дан зиёд тажрибали ҳамда умидли катта ракетка усталари ўтган тўрт кун ичида ўз имкониятларини кортда синаб кўришга улгурдилар. Эндиги гал қизғин беллашувларда саралаб олинган энг кучли теннисчиларга. Улар ярим финалга чиқиш учун баҳслашадилар.**

Турнирнинг кечаги куни ўта мазмунли бўлди десак адашмаймиз. Тошкент теннис марказининг кортларида 20 та ўйин бўлиб ўтди. Ғолибликка даъвогарлардан Вадим Куценко ўз ихлосмандлари умидини нимчорак ўйинларида ҳам оқлади. У айни пайтда Олег Огородов мураббийлик қилаётган Важа Узаковни икки сетда 6/1 ва 6/1 ҳисобида мағлуб этди. Турнир жадвалига саралашдан чиққан яна бир ҳамюртимиз Денис Салимсаковнинг вьетнамлик Минх Ду билан бўлган беллашуви унча узоқ давом этмади. Денис ўз рақибини 6/1 ва 6/3 натижалари билан осонгина ютиб олди. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, иккала ҳамюртимиз учун бугунги беллашувлар мураккаб кечиши мумкин. Вадим кеча кучли ўйин кўрсатган Харш Манкад (Ҳиндистон)га рўпара келса, Денис саккизинчи рақам билан сараланган индонезиялик Феби Уидянтога қарши курашади.

Давоми 2-бетда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

• **Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра, Навоий кон-металлургия комбинатининг 45 йиллиги муносабати билан ушбу корхонанинг бир гуруҳ ходимлари мукофотланди.**

• **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Дўстлик» орденли Навоий кон-металлургия комбинати ташкил этилган куннинг 45 йиллиги муносабати билан комбинатнинг кўп миллатли жамоасига табрик йўллади.**

• **Мамлакатимизга ташриф буюрган НАТО Бош котиби Жорж Робертсон кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон — НАТО ҳамкорлиги, халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлашда ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар хусусида сўз борди. Шу куни НАТО Бош котиби Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев ҳамда мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан ҳам мулоқотда бўлди.**

• **Андижонда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, Германия техникавий ҳамкорлик жамияти ва АҚШ ҳуқуқшунослар уюшмаси ташаббуси билан суд тизимининг мустақиллигини таъминлашга бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди.**

• **Республика «Маънавият ва маърифат» марказида олимлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Тошкент шаҳри ва вилояти мактаблари директорлари ҳамда тил-адабиёт ўқитувчилари иштирокида «Баркамол авлод орзуси» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

### Жаҳонда

• **Германия, Франция ва Россия давлат раҳбарлари Нью-Йоркда учрашишди. Мазкур учрашув уч мамлакатнинг Ироқ масаласи бўйича ҳамфикрлилиги ва Ироқнинг тикланишида жаҳон ҳамжамияти ролини ошириш борасида АҚШ таклифларини амалга оширишга ёрдам беради.**

• **Судан ҳукумати ва мамлакат жанубидаги исёнчилар ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда 20 йилдан бери давом этаётган урушни тўхтатиш масаласи муҳокама қилинди.**

• **Бағдодда хорижлик журналистлар истиқомат қилаётган «Айке» меҳмонхонасида портлаш юз бериши натижасида бир одам ҳалок бўлди, бир нечта киши жароҳатланди.**

• **Россиядаги «Авиакор» Самара авиация заводида дастлабки Россия-Украина самолёти бўлмиш — «Ан-140»ни йиғиш ишлари бошланди.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ҳақида маълумот берсангиз.**

**У.Шодиева, уй бекаси.**

Ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини, турмуш тарзини ва (ёки) бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан суд тартибида амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг, шунингдек прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади.

Ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвоси билан бирга болани ота-онага (улардан бирига) қайтариш тўғрисидаги талаби ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Агар ота-оналик ҳуқуқининг тикланиши бола манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантиришни рад қилишга ҳақлидир.

Ўн ёшга тўлган болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқининг тикланишига фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Бола фарзандликка олинган ва фарзандликка олиш бекор қилинмаган бўлса, ота-оналик ҳуқуқини тиклашга йўл қўйилмайди.

***

**Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда улушларни аниқлаш қандай бўлади?**

**Ф.Ризаев, хусусий тадбиркор.**

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкдаги улушларини аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Суд вояга етмаган болалар манфаатларидан ва (ёки) эр ва хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манфаатини ҳисобга олиб, жумладан, агар эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра даромад олмаган бўлса ёхуд эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушлари тенглигидан чекинишга ҳақлидир.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда эр ва хотиннинг умумий қарзлари уларга белгиланган улушларга мутаносиб равишда ҳар иккаласи ўртасида тақсимланади.

Агар эр ва хотиндан бири умумий мол-мулкни эр ёки хотиннинг эркига зид равишда ва оила манфаатига мос бўлмаган ҳолда ўз хоҳишига кўра сарфлаган ёки бошқа шахсга ўтказган бўлса, уни бўлишда бу мол-мулк ёки унинг қиймати ҳисобга олинади.

***

**Қадимдан халқ табобатида юрак хасталиги учун фойдаланиб келинган табиий муолажалар ҳақида билмоқчи эдик.**

**Ҳ.Йўлдошев, С.Маҳкамов, пенсионерлар.**

Азалдан маълумки, халқ табобатида турли даволаш муолажалари қўлланиб келинган. Биз улардан бирини айтиб ўтмоқчимиз.

Ўн дона лимон, 10 та саримсоқ пиёз гўшт майдалагичдан ўтказилади, аралашмага 1 килограмм асал қўшилади ва икки ҳафта тиндириб қўйилади. Икки ҳафтадан сўнг дори тайёр ҳолга келади. Уни кунига 1 ош қошиғидан икки-уч маҳал ичилади. Агар юрак хасталиги билан бирга қон босимининг ошиши (гипертония) ҳам бўлса, бу малҳамга 100 грамм дўлана (бояришник) гулларидан ҳам қўшилади.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

---

• ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ — 2003

## ТУРНИРНИНГ СИРЛИ МЕҲМОНИ КИМ?

Давоми. Боши 1-бетда.

Аёлар турнирида тўртта ўйин ичида Ян-Юнг Чои ва Иванна Исроилова ўртасидаги беллашувни кўпчилик қизиқарли деб эътироф этди. Жанубий Корея теннисчисининг чап қўлда ўйнаши туфайли Иванна бошида бирмунча қийналди ва биринчи сетни бой берди. Аммо баъзи теннисчиларимиздан фарқли равишда Иваннанинг ҳар доим, ҳаттоки рақибини билмаган ва синамаган тақдирда ҳам, тушкунликка тушмасдан кортга фақат умид билан чиқиши сабаблими, ҳамюртимиз иккинчи ва учинчи сетларда Чоидан устун келди ва чорак финалга йўлланмани қўлга киритди. Бироқ чемпионат матбуот марказидан олинган сўнги маълумотларга қараганда, айни пайтда Исроилованинг индонезиялик Укираш Сувондари билан ярим финал учун беллашуви теннис ихлосмандларини бироз хавотирга солмоқда. Гап шундаки, Сувондари турнир жадвалида иккинчи рақам билан сараланган Напапорн Тонгсалини (Таиланд) кеча бўлиб ўтган нимчорак ўйинида мағлубиятга учратган.

Афсуски, биринчи давра ўйинларидан муваффақиятли чиққан Олег Огородовнинг ғолиб бўлишга ошиқаётган покистонлик Аиссам Куреши билан учрашуви омадли кечмади ва ҳамюртимиз мусобақани тарк этди. Шундай бўлса-да, Огородовнинг Куценко билан жуфтликда Иноятов ва Мазурга қарши беллашуви 6/2 ва 6/2 ҳисобида тугагани бир пайтлар Ўзбекистоннинг биринчи ракеткаси чемпионатига жуфтлик ўйинларида финалгача чиқиши мумкин деган хулоса чиқаришга имкон туғдиради.

Кеча, юқорида айтиб ўтилганидек, ҳақиқатан ҳам мазмунли воқеаларга бой кун бўлди. Эрта билан ўтказилган болалар кунида теннисга биринчи бор қадам қўяётган 50 нафардан зиёд болажонлар Осиё қитъасидан ташриф буюрган теннис усталаридан дастлабки сабоқ олиб, шунингдек илк ютуқлари учун Осиё чемпионати совғаларига сазовор бўлишди.

Яна бир муҳим тадбир устида тўхталиб ўтиш ўринли. Осиё чемпионати доирасида анъанавий тарзда Осиё теннис федерациясининг директорлар кенгаши бўлиб ўтди. ОТФнинг президенти Сальвадор Андрада оммавий ахборот воситалари вакилларига берган қисқа интервьюсида мазкур кенгашнинг кун тартибига киритилган масалаларни санаб ўтиб, келгуси вазифаларга ҳам урғу берди. Жумладан, ҳакамлар мактабини такомиллаштириш, бу борада кенг тарзда ўқув-семинарлар ташкил қилиш вазифаси кенгашда устун деб топилганини айтди. Шу билан бирга ОТФ президенти Ўзбекистонда спортга давлат даражасида эътибор берилаётгани, бу борада айниқса теннис ривожига катта ҳисса қўшаётган мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов фаолияти ОТФ томонидан юқори баҳоланиб, федерациянинг махсус соврини билан мукофотлангани хусусида алоҳида тўхталиб ўтди. ОТФ Президенти шунингдек, уч-тўрт кун ичида олган таасуротлари билан ўртоқлашар экан, ўтган бир йил ичида Тошкент янада чирой очгани ва ҳақиқий Шарқ дарвозаси мақомига сазовор эканлигини ҳам таъкидлади.

Эртага пойтахтимизга юқори марталаби меҳмон — Халқаро теннис федерацияси президенти Франческа Ричининг ташрифи кутилмоқда.

**Ильмира ШАРАФУТДИНОВА.**

---

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## УЗОҚДАГИ ҚАРИНДОШДАН...

Икки девор-дармиён қўшни ўртасидаги жанжалга болаларнинг тўп тепиб ўйнаши сабаб бўлди. Собиржоннинг тепган тўпи кутилмаганда Салим аканинг деразасига бориб тегди. Ойна чил-чил синди. Болалар тумтарақай бўлиб қочишди. Ичкаридан хонадон эгаси Салим ака югуриб чиқди. Қилмишидан қўрқиб, нима қилишини билмай турган Собиржонга ўшқирди.

— Ким синдирди?

— Мен...

— Падарингга лаъват, нега синдирасан бировнинг ойнасини?

— Тўп тегиб кетди.

— Оёғинг сингур, неча марта айтаман, деразанинг тагида футбол ўйнама деб.

— Кечиринг, амаки...

— Бойвачча отангга айт, кечгача ойнани солдириб берсин, бўлмаса ҳаммангни кунингни кўрсатаман.

Шов-шувни эшитиб қўшнилар чиқишди. Улар Салим ака қулоқ чўзма қилаётган Собиржонни ҳимоя қилишди.

— Хой, кап-катта киши, бу нима қилганингиз. Кичкина болани қўрқитиб, Сабил қолгур ойнангизни битта кўзи шу боладан азиз бўптими?

— Ёнини олларинг-а, олларинг. Шунақа қилиб болаларингни талтайтириб ўстирдиларинг. Санлар яхши, битта Салим ака ёмон,

— Вой амаки, қўйинг, отаси келсин, бугуноқ ойнангизни кўзлатиб берамиз, — ўртага тушди Собиржоннинг онаси.

Ойна баҳона икки қўшни ўртасига совуқчилик тушди. Салим аканинг енгилтак ва жиззакилиги сабаб эркаклар анча-мунча сан-менга бориб қолишди.

«Тил яраси битару, дил яраси битмас» деганларидек қўшнилар ўртасидаги аччиқ араз давом этиб турган кунларнинг бирида Салим ака қаттиқ оғриб қолди. Ярим тунда қайга югуришни билмаган оила аъзолари, ён қўшни Собиржоннинг отаси, тажрибали жарроҳ Ҳаким аканинг эшигини қоқишга мажбур бўлишди.

Ҳаким ака ўтган гапни эслатиб, гина-кудурат қилиб ўтирмади. Зудлик билан ёрдамга шошилди. Ўша тундаёқ унинг қистови билан Салим ака касалхонага ётқизилди. Уни тезда операция қилишга тўғри келди. Шифокорлар бепарволик натижасида икки кун нариберисида ўқтин-ўқтин хуруж қилиб турган кўричак охири зўриқиб ёрилиб кетган, деган хулосага келишди.

Уни ким операция қилади? Шу тобда мана шу савол ўртага кўндаланг бўлди.

— Қўшни, — деди Салим ака оғриқнинг зўридан зўр-базўр Ҳаким акага мурожаат қилиб, — илтимос, мени ўзингиз операция қилсангиз.

Ҳаким ака иккиланиб ўтирмай таклифни қабул қилди. Операция оғир кечди. Қил устида қолган беморнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Эртасига ундан хабар олгани палатага кирган Ҳаким акани кўриб Салим ака кўзидан дув ёш тўкди. Қўшнисига миннатдорчилик билдирди.

Кўп ўтмай Салим ака оёққа туриб кетди. Шу воқеа боис қўшнилар бир-бирлари билан аҳил-иноқ бўлиб кетишди. Шундан бери Салим ака «узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал» деган сўзни тез-тез такрорлаб юрадиган бўлиб қолди.

## СИЗГА СУВ ТЕКИН

Аёлим билан маслаҳатлашиб кенжа набирамизнинг туғилган кунига костюм-шим совға қиладиган бўлдик. Шу мақсадда эрта туриб буюм бозорига йўл олдик. Бозор дарвозасидан кираверишда ўрта ёшлардаги бир киши бизни қаршилади.

— Буюринг отахон, нима керак, истаган нарсангизни муҳайё қиламиз.

— Бизга 9-10 ёшли болаларбоп костюм-шим керак эди.

— Айни муддао, худди шунақасидан топиб берамиз-да. Хорижникидан бўлсинми ёки ўзимизникиданми?

— Бизга барибир, арзонроқ бўлса бўлгани.

Ўша киши бизни қўярда қўймай қўлимиздан тортгудек бозорнинг тор йўлкаларидан бошлаб орқа томонга олиб ўтди. Иккита катта сумка атрофида олазарак бўлиб турган йигитга имо қилди.

— Болаларнинг костюм-шимидан ол.

У бир зумда сўровни бажо келтирди.

— Қани, отахонга бир чеккадан кўрсатайверайлик-чи, ахир биронтаси ёқиб қолар. Тўғриси бунақаларни бозордан тополмайсиз.

Униси-бунисини кўриб ўндан бирини танладик.

— Мана шуниси маъқул. Савдосига келишсак оламиз.

— От билан туя бўлармиди, отахон. Ҳурматингиз бор, олинг, сизга сув текинга берамиз.

— Сув текини неча пул ахир?

— Кўкига ўттиз, сўмига яна орқасига иккита ноль қўшасиз.

— Жуда қиммат-ку.

— Ҳа энди, молни кўрмаяпсизми. Бизга ҳам тушиши шунақа бўляпти-да. Қўлдан-қўлга ўтган сари нархи ошиб бораверади-да, отахон. Биз айтаётган нарх ҳам ҳолва, ҳарқалай биринчи қўлдан оляпсиз.

Ё тавба, у одам ким ўзи, ўзимча ўйланаман. Ўртада турган воситачими, тадбиркорми ёки чайқовчими? Шу саволларга жавоб излаб турсам, мушкулимни унинг ўзи осон қилди.

— Биз ҳам тирикчилик деб юрибмиз-да, отахон. Шуни орқасидан бола-чақа боқамиз. Касбимиз шунақа.

Унинг бу гапидан юқоридаги саволга жавоб топгандек бўлдим. У тадбиркор қиёфасидаги чайқовчи. Бироқ уни дўпписини бунга, бунинкини бировга кийдириб юборадиган одамнинг чайқовчиликни касб деб аташи ғалати туюлди. Бизнингча, чайқовчилик бориб турган товламачиликнинг ўзи-ку. Яна ҳам тўғрироғи, улар бировларнинг нонини туя қиладиган текинхўр. Билмадик, бозорларимиз «ўроқда йўқ, машоқда йўқ...» бундай текинхўрлардан қачон қутуларкин?

Ҳаёл суриб қолганимни кўриб, у олмоқчи бўлган буюмимиз нархини минг сўмга камайтирди.

— Яхши, — дедим охири, — лекин олдин бир бозорни айланиб қўрайлик-чи, шунақасидан топилмаса олдингизга қайтамиз.

— Ҳай майли, айлана қолинг, лекин айтиб қўяй, бунақасини чироқ ёқиб ҳам тополмайсиз.

Биринчи растанинг ўзидаёқ ўша топилмас матоҳдан бир нечтасини учратдик. Нархлари ҳам анча арзон. Расталар одимлаб хуллас йигирма икки минг сўмга ўшанақа костюм-шим харид қилдик.

— Отаси, — деди йўлда аёлим, — бояги кишини қаранг. Бозорда бор нарсани харид қилиб, шу ернинг ўзида баъзи соддадил харидорларни алдаб-сулдаб саккиз минг сўм фойда қиляпти экан-а. Анчагина ёшга бориб қолган одамни бировлар ҳақидан қўрқмаганини қаранг.

— Бунақалар инсофни билармиди, — дедим гапга якун ясаб.

*Турфа олам*

## АТИГИ ИККИ ОЙ ЯШАЙДИ

**Асаларилар қанча яшайди, деган савол кўпчиликни қизиқтирса керак. Умуман асаларининг умри қисқа бўлади: икки ойдан ошмайди. Фақат она асалари бир неча йил яшайди. Асалари ўсиб-улғайган сари унинг вазифаси ўзгараверади. Масалан, эндигина туғилган асалари иннинг катакларини тозалайди. Тўрт кунлик бўлганидан сўнг вазифаси ўзгаради: уядаги куртларга қараб туриш ҳам керак, ахир. Бу иш билан айнан ёш асаларилар шуғулланади.**

Саккиз кундан кейин асалари ўзида меҳрибон энагалик қобилиятини сезади. Шу вақтга келиб унинг махсус безларидан оқ шира ажрала бошлайди, у куртларни ва она асаларини шу шира билан озиқлантиради. Бошқа хил ихтисосларни эгаллашга у яна бир неча кун сарфлайди: шу вақт ичида асалари озиқ қабул қилувчи, озиқ ташувчи, катакларни «супуриб-сидирувчи», сафардан қайтганларнинг уст-бошини тозаловчи, катак қурувчи бўлиб ишлайди.

Асаларининг туғилганига уч-тўрт ҳафта бўлди, демак умрини ярми ўтиб кетди. Бу ҳашарот улғайгач, бизнингча, қаригач, унинг учун энг тантанали кун келади. Дастлабки парвоз. Бу номаълум, бепоён бўшлиққа сакраш билан баробар. Тажрибасиз парашютчи самолётдан биринчи марта сакраётганида жонини ҳовучлаб, самолёт эшигидан мўралаганидек, асалари ҳам уянинг тешигидан мўралаб, анчагача учишга журъат этолмай туради. Ниҳоят, қадам ташланади, асалари учиб кетади. Уядан илк бор учиб чиқиш! У келгусида ким бўлар экан, гулоб йиғувчими ёки гул чангини тўпловчими? Қайси гулни хуш кўриб қолар экан? Тажрибасиз асаларини хатти-ҳаракатини кузатган мутахассисларнинг айтишича, дастлабки кезларда асалари жуда нўноқ, лапашанг кўринади. У қайси гулга қўнишини билади-ю, лекин ивирсилайвериб, бўёқчига шогирд тушган боладек, ҳаммаёғини гулоб, гул чанги билан бўяб ташлайди. Кейин бошқа асаларилар сингари эпчил, уддабурон бўлиб олиб, бир гулни гулобини бир неча сониядаёқ йиғадиган бўлиб қолади. Асалари шу тарзда учавериб умрининг охири яқинлашганини сезмай ҳам қолади, бутунлай қариб, пировардида ўлади.





Тошкент шаҳар ҳокимияти
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

"Севимли шаҳрим" акцияси доирасида
"Пойтахт- бизнинг нигоҳимизда"
мавзусида энг яхши фотосуратлар
кўрик-танловини эълон қилади.

Фототанлов уч йўналиш бўйича ўтказилади:
Кўҳна Тошкент;
Миллий қадриятлар;
Истиқлол нашидалари.

*Фотосуратларни Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр кўчаси, 14 манзилига юборинг.*

*Ҳар бир иштирокчидан 4-тадан кўп бўлмаган (алохида ёки туркум) асар қабул қилинади, туркум ҳам бир асардек кўрилади.*

*Энг яхши фотосуратлар қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирланади.*

Маълумотлар TTV телеканали, "Пойтахт-информ" радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент", газеталарида.

www.tashkentkamolot.uz
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03


## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**29 сентябрь—5 октябрь**



**Қўй (21 март-20 апрель)** — Ҳафтанинг биринчи ярмида иш жойингизда баъзи келишмовчиликлар туфайли иш унумингиз пасаяди. Бу нарсани жанжалга айлантирмасликка уринингг. Ҳаммаси ўтиб кетади. Фақат сабрли бўлишингиз керак.



**Бузоқ (21 апрель-20 май)** — Ушбу ҳафта кўнглингиз баҳордек яшнайди. Оилангизда хурсандчилик, яхши хабар ва воқеалар кутилмоқда. Тадбиркорлик бўйича сафарларингизни кейинга қолдирганингиз яхши.



**Эгизаклар (21 май-21 июнь)** — Ўзингизга муносиб бўлмаган ишларга аралашманг. Рулда бўлганингизда қонунқоидаларга албатта риоя қилишни унутманг. Пайшанба ва жума кунлари кайфиятингиз аъло бўлади.



**Қисқичбақа (22 июнь-22 июль)** — Ўйлаган режаларингизнинг рўёбга чиқиши бироз қийин кечади. Катта ютуқлар ҳақида кўп ўйлайсиз, фақат орзу қилганингиз қолади. Унчалик шошилманг. Эътибор ва чидам талаб қиладиган ишлар билан машғул бўлганингиз яхши.



**Арслон (23 июль-23 август)** — Олдингизга қўйилган вазифаларни ёлғиз ўзингиз бажара олмайсиз. Лекин сизни қўллаб-қувватлайдиганлар атрофингизда кўплаб топилади.



**Паризод (24 август-23 сентябрь)** — Ушбу ҳафтада сизнинг «Мақсад сари интилинг» шиори остида яшашингизга тўғри келади. Демак кўп ишларни бажаришга улгуришингиз керак. Аввал чала қолиб кетган ва сиз бажара оламан ишлар туртки бўлади ҳамда олға ундайди.



**Тарозу (24 сентябрь-23 октябрь)** — Бу ҳафта молиявий аҳволингиз бироз қийин кечади. Бошлаган ишларингизга жиддий ёндошишингизга тўғри келади. Имконингиз бўлмасада, олган қарзларингизни қайтаришни унутманг.



**Чаён (24 октябрь-22 ноябрь)** — Ҳафта бошидан хизмат жойингизда айтилган таклифларни чуқур ўйлаб кўринг. Ҳаммасини бирдан қабул қилиш тўғри бўлмас. Тўғри келмаганини рад этишингиз мумкин. Барчасини тарозуга солиб кўринг.



**Ўқотар (23 ноябрь-21 декабрь)** — Оилангиздаги келишмовчиликларни ўзингиз бартараф қилишингиз керак. Фарзандларингизга муомалада эҳтиёт бўлинг. Бекорга асабийлашиш соғлиғингизга зарар. Қатъиятли ва иродали бўлишга интилинг.



**Тоғ эчкиси (22 декабрь-20 январь)** — Ушбу ҳафта ишда кенг кўламли лойиҳаларнинг натижаси ёмон кечмайди. Бундан кайфиятингиз кўтарилади. Пайшанбада эса янги хизмат режаларини қабул қилишга тайёр туринг.



**Қовға (21 январь-19 февраль)** — Келгусидаги вазифаларингизни режалаштириб олишдан эринманг. Ишингизнинг кўплигидан эмас,- балки лоқайдлигингиз ишларингизнинг анча орқага сурилишига олиб келади. Ниҳоятда ҳушёр ва дадиллик билан ишга киришинг.



**Балиқ (20 февраль-20 март)** — Бемаъни ўй-фикрлар хаёлингизни чалғитади. Бироқ бундай хаёллар сизга тўғри келмаслигини тушуниб етинг. Ҳамкорларингизнинг таклифларини тезда қабул қилишдан олдин яхшилаб ўйланг.

## Сўзана — тарих ва маданият солномаси

**Мамлакатимиз бой тарихи, маданияти, анъана ва урф-одатлари азалдан турли халқлар эътиборини жалб қилиб келган. Халқимизнинг бетакрор миллий амалий санъати қатор хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари томонидан кенг талқин қилинган. АҚШнинг халқаро миқёсда маданиятлар мулоқотини тарғиб этувчи Saudi Aramko World журналида миллий ҳунармандчилигимиз фахри каштачилик ва сўзана санъати хусусида кенг қамровли мақола чоп этилди.**

Юртимиз маданияти, хусусан миллий ҳунармандчилиги тараққиёт босқичларига бағишланган "Мўъжаз сўзана" мақоласида каштачилик ва сўзана санъатининг ривожланиш тарихи батафсил очиб берилган.

Мақола муаллифи, америкалик журналист Кэролайн Стоуннинг таъкидлашича, сўзаналарда тасвирланган жилолар, табиат манзаралари ҳамда нақшинкор безаклар дунёнинг турли мамлакатлари маданиятида ҳам акс этади.

— Бу эса, ўз навбатида, қадим замонлардан бошлаб сўзана ватани — Ўзбекистоннинг жаҳон саҳнасидаги марказий аҳамияти, хорижий ўлкалар билан фаол ҳамкорлигининг нишонасидир. Айрим безакларнинг қадим замонларда яшаб ўтган ибтидоий одамлар томонидан кўҳна ғорлар ва тоғу-тошларда чизиб қолдирилган тасвирларга ўхшашлиги сўзаналарнинг тарих ва маданият солномаси эканидан ҳам далолат беради,— дея таъкидлайди К.Стоун.

Журналист сўзана тарихи хусусида фикр юритар экан, ҳатто Испания қиролининг Амир Темур саройидаги элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг мазкур мўъжаз санъат тури хусусида ёзиб қолдирган илиқ хотираларига алоҳида тўхталиб ўтади.

Мақола якунида К.Стоун ҳозирги пайтга келиб мамлакатимиз раҳбариятининг халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш ҳамда келгуси авлодга етказишга қаратилган саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ эканини таъкидлайди.

**Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ, "Жаҳон" АА**

## КУТУБХОНАДА КИТОБ БАЙРАМИ

**Пойтахтдаги "Турон" илмий универсал кутубхонасида вилоят кутубхоналар уюшмаси ва Республика Маърифатпарварлар жамияти ҳамкорлигида "Китоб олами: бугун ва эртага" мавзуида мутолаа куни ўтказилди.**

— Ўзбек халқининг азал-азалдан китобга муҳаббати ўзгача, бу муҳаббат даврлар ўтсада сўнгани йўқ, — деди тадбирда сўзга чиққан филология фанлари доктори Наим Каримов. — Китоб бу етти мўъжизанинг бири. У бугун баркамол авлоднинг вакили бўламан деган инсон учун мўъжиза. Ўқувчилар баъзида ўзи истаган, қидирган китобларни топа олишмайди. Бу борада "Шарқ" нашриёти муайян ишларни амалга оширмоқда. Нашриёт раҳбарлари билан бўлаётган учрашув бежиз эмас. Мақсад мазкур нашриёт томонидан чиқарилаётган китоблар, халқ учун, ёш авлод учун керакли адабиётлармми? Китоблар ўқувчилар талабига жавоб бераяптими? Тадбирда шу каби саволларга жавоб олинмоқда.

ХХ асрнинг 20 – йилларида мамлакатимизда янгича матбаачилик ва ноширчилик мажмуи тариқасида бунёд этила бошлаган, йиллар давомида турли авлодлар фидойи меҳнати шарофатидан юксалиб келган "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни янги ХХI асрга "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси мақомида қадам қўйди. Компания — Ўрта Осиёдаги ёши улуғ ва тажрибаси мукаммал ноширчилик ва матбаачилик мажмуидир. У бир йилда 200 миллион нусхада газета, 20 миллион нусхада журнал, 35 миллион нусха қаттиқ ва юмшоқ муқовали китобни босмадан чиқариш қувватига эга. "Шарқ" — кўлёзмаларни таҳририй — бадиий тайёрлашдан тортиб тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган барча жараёнларни қамровчи Ўзбекистонда ягона ноширчилик-матбаачилик бирлашмасидир.

— Аслида бундай мутолаа кунлари ҳар куни бўлиши керак. Ана шундагина халқнинг маънавияти юқори даражага етади, — деди ёзувчи Тоҳир Малик "Туркистон-пресс" мухбирига. — "Турон" кутубхонаси шаҳарнинг энг гавжум жойида, яъни "Чорсу" бозори ёнида жойлашган. Агар бозорга келган одамларнинг атиги бир фоизи кутубхонадан фойдаланса, анчагина одамлар зиё нурига йўғрилган бўлур эди. Ёшлар орасида китобларнинг мутолаа қилинмай бораётганлигига иқтисодий қийинчиликларни рўкач қиламиз. Аслида ўқийман деган одам ҳар қандай шароитда ҳам имкон топади. Мана кутубхона тўла бепул китоблар, улардан фойдалансин. Афсуслар бўлсинки, бугун фарзандини кутубхонага етаклаб келадиган ота-оналар сони камайиб бормоқда. Бундай мутолаа кунлари нафақат кутубхоначилар ташаббуси билан, балки жамоатчилик ҳаракати ила ўтказилса, улар маҳаллаларга кўчса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Китоб байрами икки қисмга бўлиниб ўтказилди. Биринчи қисмида иштирокчилар "Шарқ" компаниясининг масъул ходимлари билан мулоқот қилишди, кутубхоналар билан компания ўртасида шартномалар тузилди. Иккинчи қисмда эса Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Зикр Муҳаммаджонов каби ижодкор ва санъаткорлар билан суҳбатлар уюштирилди.

**"Туркистон-пресс"**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР





Тошкент шаҳар ҳокимияти

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

“Севимли шаҳрим” акцияси доирасида
“Дилимдасан-пойтахтим”
энг яхши эстрада қўшиқлари мавзусида
кўрик-танловини эълон қилади

Маълумотлар TTV телеканали, “Пойтахт-информ” радиостанцияси, “Тошкент оқшоми”, “Вечерний Ташкент”, газеталарида.

Кўрик–танлов шартлари:

Ижрочиларнинг ёши чегараланмаган;

Танловда ҳаваскорлар ва профессионал ижрочилар қатнашиши мумкин;

Қўшиқ илк бора ижро этилиши керак;

Қўшиқ сифатли аудиоускуналарга (минидиск, CD) ёзилиши керак.

Таклифлар 1 октябргача қабул қилинади.

Энг яхши қўшиқ эътиборли ҳакамлар ва радиомухлислар томонидан аниқланади.

www.tashkentkamolot.uz

Манзил: Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр кўчаси, 14

Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03



«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
Тошканбой Эгамбердиев номли
Тошкент Давлат цирки

2003 йилнинг бутун сентябрь ойи давомида
КУЗГИ БАЙРАМ КАЙФИЯТИ ДАСТУРДА:
МОНТЕ КАРЛО совриндорлари, олтин нишон соҳиблари
ЧАВАНДОЗ ЙИГИТЛАР
ОРИГИНАЛ ЖАНРЛАР АРТИСТЛАРИ
ЎРГАТИЛГАН КАБУТАРЛАР
ҲАВО ГИМНАСТЛАРИ
«Ҳиндистон» номли шағамлардаги
ФАНТАЗИЯЛАР
ТУЯЛАРДАГИ АКРОБАТЛАР
ҚУВНОҚ МАСХАРАБОЗЛАР ЖУФТЛИГИ

**Томошалар:**
Жума кунлари 18.00 да шанба, якшанбада 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.
Касса 9.00 дан ишлайди.

**Маълумотлар учун телефонлар:**
**144-29-04, 144-35-91, 144-32-23.**


## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Андижон вилоятидан келган Ҳамид барбод бўлган орзулари ҳақида ўйларди. Чунки у Тошкентга келиб ўқишга кира олишига қаттиқ ишонганди. Лекин ўқиш насиб қилмади. Нима қилса экан? Охири у уйга кетишга қарор қилди. Лекин йигитлик бошини эгиб борадими? Ҳар ҳолда у шундай деб ўйларди. Қишлоғига қайтиб борса худди у ердагилар мазах қилиб устидан куладигандек туюлди. Бир оз шу ерда санқиб юришни афзал кўрди. Хиёбонларга бориб айланди. Онаси камкўстингга ишлатарсан деб, берган пулини хоҳлаганча.сарфлади. Ҳамид пулни бир кунга ҳам етказмади. Уйин-кулгуга шунчалик берилиб кетганидан уйга қайтишга ҳам пули қолмади. Энди пулни қаердан оламан, деб анча боши қотди. Ўртоқларидан шаҳарда бўлиб турадиган ўғирликлар ҳақида эшитганди. Ҳа нима, шаҳарда ҳеч ким бир-бирини танимайди. Қишлоқда эса ҳамма қариндошдек, танишмас одамнинг ўзи йўқ. Ҳамид шу ҳақда ўйлаб кетаётганида йўлидан бир аёл чиқди, унинг кўзи аёлнинг бўйнидаги тилла занжирга тушди. Ҳамид ўйлаб ҳам ўтирмади, аёлнинг бўйнидаги 100.000 сўмлик занжирни юлди-ю, қочди. Аёл ҳеч нарсага тушунмади ва ҳангу манг бўлиб қолди. Яхши ҳамки кўчада одамлар бор экан. Ҳамид кишилар оқимига шўнғиб кета олмади. Аёлнинг дод-войи ҳаммани сергак торттирди ва бир киши ўғрини шартта ушлаб олди. Милиция ходимлари келиб жиноятчини қўлга олишди. Қилмиш-қидирмиш деб шуни айтадилар-да.

● Ҳаётда биз ўйламаган, хаёлимизга ҳам келмаган ишлар содир бўлади.

Жамол бугун ҳар доимгидек дарсга кеч қолди. Ўқитувчининг эса асаби бузилди. Ҳар гал шу аҳвол. Ўқитувчи Марат ака бу болага гапириш бефойда эканлигига ишонч ҳосил қилиб дарс ўтишни давом этди. Бироқ Жамолнинг охирги қилиғи ўқитувчининг сабр косасини тўлдириб юборди. Ҳеч кутилмаганда Марат ака ўрнидан турди ва Жамолнинг ёқасидан ушлаб олиб, ура бошлади. Уларни зўрға ажратишди, чунки ўқитувчи Жамолни уриб хумордан чиққунча ҳеч қўйиб юбормади. Бутун мактаб оёққа турди. Юнусобод туманида яшовчи ўқитувчининг ўз ўқувчисига енгил тан жароҳати етказганлиги сабабли тезкор тергов гуруҳи олиб кетди. Ҳақиқатан ҳам жаҳл чиқса ақл кетар экан. Бу ерда ўқувчида ҳам катта айб бор, чунки қарс икки қўлдан чиқади.

**Феруза УМРЗОҚОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот марказининг жамоатчи мухбири.**





• КЎРГАЗМАЛАР

# ҲИНДИСТОННИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

**Шаҳримиздаги муҳташам «Ўзкўргазмасавдо» мажмуида Ҳиндистон давлатининг машҳур «SAVERS IMPEKS» компаниясининг «SAVERS MINITECH International Expo Tashkent—2003» савдо-кўргазмаси ўз ишини давом эттирмоқда.**

Мазкур кўргазма Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ҳиндистоннинг экспортни ривожлантириш кенгаши, «SAVERS IMPEKS» компанияси ҳамда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Юртимиз мустақилликка эришгач, унинг Марказий Осиё минтақасида тутган етакчи ўрни, бой иқтисодий салоҳияти, мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар жараёни ҳақида хорижий нашрлар кўплаб ёзишмоқда. Мамлакатимизда хорижий давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар янгича мазмун ва моҳият касб этмоқда. Шундай алоқалар самараси ўлароқ юртимизда қўшма корхоналар сафи тобора кенгаймоқда. Ўзбекистон иқтисодиётида кичик тадбиркорликни янада ривожлантиришнинг аҳамияти, унинг юртимиз ялпи маҳсулотидаги улушининг ошиб бораётганлигини ва тадбиркорлар палатаси томонидан анъанавий тарзда ўтказилаётган «MINITECH» минитехникалар кўргазмаларининг самарадорлигини инобатга олган ҳолда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу кўргазма ўтказилмоқда.

Кўргазма-савдога енгил саноат, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, қадоқлаш, кимё, фармацевтика, қурилиш материаллари тайёрлашда ишлатиладиган, қишлоқ хўжалигида ҳамда қайта ишлашда, матбаа соҳасида қўлланиладиган кўплаб ускуналар ва технологиялар қўйилган. Чунончи, «MIKA Engineering», «GLOBAL», «Cavers» каби кўплаб фирмалар ускуна ва технологиялари жаҳон талабларига жавоб бериши билан бирга, уларнинг нархи нисбатан арзон ҳамдир.

— Мен Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси орқали, — дейди «Samo» кичик корхонаси раҳбари Бахтиёр Юнусов, — 2001 йилда Ҳиндистоннинг «SAVERS IMPEKS» компаниясининг жаҳон андозаларига мос фармацевтик дорилар қадоқлайдиган ускунасини миллий валютамизга сотиб олгандим. Мазкур ускунанинг самарадорлиги кутганимиздан ҳам яхши натижалар бермоқда. Бу кўргазма юртимиз тадбиркорлари учун катта имкониятлар очди.

Юртимиздаги 17 га яқин йирик тижорат банклари, лизинг компаниялари — «Ўзбеклизинг — International» акционерлик жамияти, «Ўзқишлоқмашлизинг», «Барака» лизинг, Бизнес-фонд, қатор вазирликлар ходимлари Ҳиндистондан келтириладиган ускуна ва технологиялар бўйича керакли маслаҳатлар ва ҳисоб-китобларни амалга оширишда тадбиркорларга ёрдам берадилар. Ҳиндистондан келтирилиб кўргазмада намойиш этилаётган ускуна ва технологияларнинг тадбиркорлик субъектлари томонидан сотиб олинишини осонлаштириш мақсадида эса тўловларнинг энг қулай шакллари қўлланилади.

Кўргазма-савдога қўйилган ускуна ва технологияларга, шунингдек, Ҳиндистон давлатидаги етакчи фирмаларда ишлаб чиқариладиган бошқа технологияларга қўшимча таклиф ва талаблар умумлаштирилиб, уларни тадбиркорлар сотиб олишини ташкил этиш Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан амалга оширилади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: Ҳиндистондан келтирилиб кўргазма-савдога қўйилган энг замонавий ускуна ва технологиялар.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Таълим*

## КАФЕДРА ШОХОБЧАЛАРИ

**Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг «Йўловчилар ва юк ташишни автоматлаштирилган тизимда бошқариш» факультети ташкил топганига 70 йил бўлди. Бу орада факультет кафедралари орқали 10 минг нафардан ортиқ малакали мутахассис кадрлар етишиб чиқди.**

Ҳозир факультет доирасида 7 та кафедра фаолият кўрсатмоқда. «Темирйўл ишларини бошқариш», «Темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика», «Электрик алоқа ва радио» каби кафедраларда ўқув жараёнини ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлаб ташкил этишга катта аҳамият бермоқдалар.

Бундай таълимий жараённи янада яхши йўлга қўйиш мақсадида жойларда кафедраларнинг шохобчалари очилди. Чунончи, «Электрик алоқа ва радио», «Автоматика ва телемеханика» кафедралари, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат темир йўл компаниясининг масофавий сигнализация марказида ўз шохобчаларига эга бўлдилар.

«Тошкент-товар» темир йўл станциясида «Станцияларда юк ташиш ва коммерция ишлари технологияси» кафедраси шохобчаси фаолият кўрсата бошлади.

Компаниянинг ягона диспетчерлик марказида ҳам амалий ишлар илмий асосда ташкил этилмоқда. Шу мақсадда «Темир йўл транспортини бошқариш ва юк ташишни ташкил этиш» кафедраси марказда ўз шохобчасини очди.

**Акбар АЛИЕВ**

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Қадим Араб халифаларидан Хорун ар Рашиднинг дўсти, суҳбатдоши шоир Абунувос касал бўлиб қолди. Унинг ҳолини сўрагани кўп киши келиб-кетди. Бир куни икки киши келиб бемаза сўзлар сўзлашиб, бемор ёнида узоқ вақт ўтирдилар. Дардининг зўрлигидан безовта бўлиб турган Абунувос бу икки эзманинг сўзларидан жуда ҳам безор бўлиб, буларни чиқариб юборишга ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам фойдаси кўринмади. Ниҳоят у ўрнидан сакраб турди, кўрпа-ёстиғини ўраб, елкасига қўйиб, ҳалиги эзмаларга:

—Мана кўринг, мени кўргани келганингиз туфайли касаллигим тамом йўқ бўлди, тузалдим. Ўрнимдан туриб ўрин-бошларимни йиғиштирдим. Ҳайр, энди кетсангиз ҳам бўлади. Бошқа бир вақтда сизларни зиёфатга чақираман. Ўшанда узоқ вақт сўзлашиб ўтирамиз, — деди ва шу тадбир билан у икки эзмани уйидан чиқариб юборди. Жони тинчланиб, роҳатланди.

Ҳисса:

Ақли одам ҳар бир ишни ақл ўлчови билан ўлчаб, сўнгра бажариши керак. Шундай қилмаса, у одам фалокат ва ҳалокатга учрайди. Ўзи удда қилолмаган бир ишга киришиш — нодонликдир.

● Машҳур табиблардан Ҳусайн Рамзий айтади:

— Инсон учун энг азиз ва муҳтарам бўлган нарса кучли ва соғлом бадандир. Соғлом бадан жуда қимматли нарсадир. Инсон у билан маишатини таъмин эта олади. Соғлом бадан бир улуғ хазинадирки, саноат аҳиллари учун фақат унинг ёрдами билан хизмат қилиб жамиятга зўр манфаат етказадилар. Соғлом бадан бир сармоядирки, қалам аҳллари унга таяниб жамиятни таълим ва тарбия этиш йўлида фойдали асарлар вужудга келтирадилар. Соғлом бадан улуғ бир қувватдирки, унинг кўмаги билан музаффар армиялар азиз Ватанларини душмандан қўриқлай оладилар.

● Келтиришларича, Кисронинг бир ўғли бор эди. У жуда кўп овқат ер ва ҳамиша хаста бемор эди. Ҳеч ким унинг касаллик сабабини билмас эди. Бир табибни келтирдилар у нуроний сифатли, яхши суратли, соф мижоз ва серилож эди. Унинг нафасидан ранжур кишилар осойиш, қадамидан маҳруҳ кишилар оройиш топарди. Йигитнинг томирига қўл қўйиб кўп ейиш туфайли овқат ҳазм бўлмасдан ҳиқичоқ ва кекириш касалига мубтало бўлганини билди ва уни даволади. Кисро:

— Унга нима бердинг? — деб сўради.

— Очлик, — деб жавоб берди табиб.

---

В.П.Чкалов номли ТАИЧБга қарашли ТСК жамоаси **Муким Набиевич ГАЗИЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

---

• ИНТЕРМЕДИЯ

## ЎХШАТМАСДАН УЧРАТМАС

**Шаҳарнинг серщовқин кўчаларидан бири. Ғувиллаб машиналар ўтиб турибди. Башанг кийинган, савлатли йўловчи бир машинага қўл кўтарди.**

ЙЎЛОВЧИ: Хўв, такси!

(машина чийиллаб тўхтайди)

Ассалому алайкум! Яккатутга ташлаб кетолмайсизми?

ҲАЙДОВЧИ: Яқин бўлса, бас, Яккатут эмас, Қўштутга ҳам обориб қўямиз, акаси! Марҳамат, ўтирсинлар.

(эшик қарсиллаб ёпилади, машина гуриллаб жўнайди)

Меҳмонга ўхшайсиз, а, биродар?

ЙЎЛОВЧИ: Ҳа, меҳмонман.

ҲАЙДОВЧИ: Қалай, Бухоролар ободми? Яхши етиб келдингизми?

ЙЎЛОВЧИ: Иби, Бухородан эканимни қаёғдан билдингиз, жўро?

ҲАЙДОВЧИ: Бошингиздаги телпак айтиб турибди. Бунақа қоракўл Бухорога бўлади, акун!

ЙЎЛОВЧИ: Қойил-ей, ака мулло! Авлиё экансиз.

ҲАЙДОВЧИ: (Керилиб) Биз шунақамиз, одамларнинг оқу қорасини кўраверib пишиб кетганмиз. Ҳм, нимага ҳадеб аланглаб қолдингиз, акаси?

ЙЎЛОВЧИ: Яккатутга етмасдан бир ерга кириб чиқишим керак эди. Бировнинг омонати бор, шундай шип этиб кираману топшириб чиқаман, хайми? Ана, келдик. Машинани сақланг, ака.

ҲАЙДОВЧИ: Тўхтайми?

ЙЎЛОВЧИ: Ха, ҳа, тўхтанг.

(машина тўхтайди, йўловчи тушади)

Ман ҳозир, рав кириб, рав чиқаман.

ҲАЙДОВЧИ: Ман-чи?

ЙЎЛОВЧИ: Сиз кутиб турасиз, сўғин Яккатутга кетаберамиз.

ҲАЙДОВЧИ: (кулиб) Ҳо-о... Сиз манави кўк дарвозадан кириб, орқа эшикдан чиқиб кетсангиз, додимни кимга айтаман?

ЙЎЛОВЧИ: Хўв, амак! Сиз мени ким деёпсиз? Турқи-тароватим шунақа одамга ўхшайдими?

ҲАЙДОВЧИ: Ўхшамайди. Лекин, одамнинг оласи ичида. Ким билади, дейсиз.

ЙЎЛОВЧИ: Унда сиз ҳам юринг, етаклашиб кириб чиқамиз.

ҲАЙДОВЧИ: Эсингиз жойидами ўзи?! Фалон минг доллар турадиган шундай машинани кўчага ташлаб бўладими? Бир пасда ширяланғоч қилиб ечинтириб кетишар.

ЙЎЛОВЧИ: Бўлмаса, нима қил, дейсиз?

ҲАЙДОВЧИ: Бир нарса бера қолинг. Гаровга Масалан, ҳм... ана, соатингизни.

ЙЎЛОВЧИ: (соатини ечиб) Манг. Қирқ доллар туради. Японский. Интуристлардан сотиб олганман.

ҲАЙДОВЧИ: Жа-а ошириб юбордингиз. Қирқ эмас, ўн доллар турса керакда. Ҳа, майли. Борақолинг.

ЙЎЛОВЧИ: Лаббай? Қирқ долларлик соатни танимаган одамга ташлаб кетадиган аҳмоқ йўқ, акун. Мен кириб-чиққунча қуён бўлиб қолсангиз, ким ҳайрон — мен ҳайрон, а? Шаҳарнинг таксичиларини биз ҳам обдон кўрган... Сиз ҳам соатга лойиқ бирор нарса беринг, жўро!

ҲАЙДОВЧИ: Мана, чарм курткамни олақолинг. Туркларники. Икки мартагина чисткадан чиққан.

ЙЎЛОВЧИ: (курткани кўриб) Бу туркники эмас, жўра, туркники юпқа бўлади, сизнинг терингиз қалин экан. Сўғин, икки еридан тешилибди. Ёнига бирон нарса қўшмасангиз, бўлмайди.

ҲАЙДОВЧИ: Нима қўшай?

ЙЎЛОВЧИ: Ана, транзисторингиз бор экан, жемперингиз ётибди...

ҲАЙДОВЧИ: Мана жемперни олинг. Яп-янги, ўтган ҳафта «отчопар»дан олганман. Энди сиз бошингиздаги телпакни ечиб беринг.

ЙЎЛОВЧИ: Телпакни беролмайман. Шамоллаб қоламан. Менга бошим азиз. Бу бош билан саккиз одамни боқаман.

ҲАЙДОВЧИ: Уф-ф!.. Вақт кетяпти. Сиз савдолашиб турганингизда счётчигимиз 100 сўм 200 сўмга айланди. Асли, фойдасини билмаган одам экансиз, биродар!

ЙЎЛОВЧИ: Мен ҳам сизга боқиб, ҳайрон, акун. Фурсатнинг қадрига етмайдиган экансизми-ей. Ахир, бизнинг касбда вақтинг кетди — нақдинг кетди эмасми, ако?

ҲАЙДОВЧИ: Кечирасиз, ўзлари нима хизматда, билсак бўладими?

ЙЎЛОВЧИ: Бўлади, жўро. Мен ҳам сизга ўхшаб, тўрт ғилдиракни миниб юратурғон таксичиман-да, акун!

ҲАЙДОВЧИ: Ё қудратингдан! Айтувдим, а, қилиғи худди ўзимникидан экан, деб! Бўпти, ишондим, боринг, бемалол кириб чиқаверинг, акаси!

ЙЎЛОВЧИ: Мен ҳам сизга ҳамма нарсамни ишондим. Мана телпак билан пальтони ҳам ечиб бераман. Сиздан яхши қоровул борми?

ҲАЙДОВЧИ: Беш дақиқада лип этиб, японский соату қоракўл телпак, бельгийский пальтони олиб, қуздан ғойиб бўлсам-чи, «Вой-дод, қоровул, қайдасан?!» деб қолмайсизми?

ЙЎЛОВЧИ: Иби, қайга кетасиз, жўражон. Правангиз менда-ку?

ҲАЙДОВЧИ: Қанақасига... сизда бўлади?

ЙЎЛОВЧИ: Э, жўражон, биз ҳам нонни қулоғимиз билан эмас, оғзимиз билан еймиз. Правангиз чарм куртканинг киссасида эди, мана, энди бизнинг киссага тушди. Так что, бир қадам юролмайсиз. Хе-хе-хе... Хай, майли мен ҳозир чиқаман.

(йўловчи шошилиб жўнайди)

ҲАЙДОВЧИ: Ана холос! Мен ўзимча учарман, деб юрсам, дунёда мендан ҳам ўткирроқлар бор экан. Водариғ, ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил, деб шунга айтсалар керакда, акаси бўйидан!

**Саъдулла СИЁЕВ**

---

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

### Бошқотирма

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 2. Сатҳнинг горизонталлигини кўрсатадиган асбоб. 4. Баланд пояли, йирик гулли, манзарали ўсимлик. 8. Табобат, техника ва қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган оқ рангли кристалл модда. 11. Пойтахтимиз вилоятидаги туман. 13. Ун ва қиёмдан ўртасига мағиз солиб тайёрланган ширинлик.

**Бўйига:** 1. Танаси оқиш, қаттиқ дарахт. 5. Ахборот воситаси. 6. Газламанинг ўриши билан кўндалангига кесишувчи ипи. 10. Либоснинг ташқи қавати.

**Энига:** Кўп ишлатиладиган металл. 7. Содда, сипо. 9. Ғафур Ғуломнинг фалсафий шеъри. 12. Тақсимланадиган нарсанинг кимга тегишлилигини аниқлашда қўлланиладиган шартли белги.

Муаммонома

**Очқич сўзлар**: 1. Физик зарра — атомнинг таркибий қисми 4, 10, 14, 15, 8, 3, 11, 7.

2. Миллий оёқ кийими — 9, 2, 6, 17, 1.

3. Ҳайдалган экин майдони — 16, 13, 12, 5, 11, 3.

Шакл атрофидаги рақамларни очқич сўзлардаги ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Улардан форсторжик мутафаккир шоири Саъдий Шерозий меросига мансуб икки мисра ҳикматли сўзни билиб оласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.**



**Газетанинг шу йил 19 сентябрь сонида берилган «Ғ» ҳарфли бошқотирманинг жавоблари:**

**Рақам атрофига белгиланган хонадан соат мили йўналишида:** 1.Ғалаба. 2.Ғумай.3.Ғумбак.4.Ғазал. 5.Ғайрат. 6.Ғалла. 7.Ғалвир. 8.Ғарам. 9.Ғаввос. 10.Ғаров. 11.Ғирром. 12.Ғамза. 13.Ғалаён. 14.Ғайра. 15.Ғаниев. 16.Ғулжа. 17.Ғижжак. 18.Ғузор. 19.Ғозғон. 20.Ғолиб.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1.Заргар. 2.Ҳаким. 3.Ўлпон. 4.Баҳс.

**Ҳикмат:**

**Кўп билган оз сўзлар,**
**Оз бўлса ҳам соз сўзлар.**




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3871 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-807. Топширилди 13.00 1 2 3 4 5 6